

## ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА САЙЛОВЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Шоназаров Улфат Иброгим ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти*

*E-mail: [u.i.shonazarov@proacademy.uz](mailto:u.i.shonazarov@proacademy.uz)*

Ҳар қандай демократик давлатда сайлов тизими сиёсий тизимнинг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. У нафақат парламент ёки маҳаллий кенгашлар шаклланишини таъминлайди, балки жамиятдаги сиёсий кучлар нисбати, партиялараро рақобат ва фуқароларнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишонч даражасини ҳам белгилайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар жараёнида сайлов тизимини такомиллаштириш, уни халқаро андозаларга мослаштириш ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Амалга оширилаётган ислохотлардан кўриш мумкинки, мамлакатимизда сайлов тизими тобора шаклланиб бормоқда. Қисқа давр ичида сайлов қонунчилигининг мустаҳкам базаси яратилди. Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилди. Чунончи, Сайлов кодексининг қабул қилиниши натижасида тарқоқ ҳолдаги 5 та қонун (“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги) ва Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид ўнлаб низом ва йўриқномаларини ягона қонун ҳужжатида мужассам этди.

Мазкур амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар натижасида сайлов қонунчилиги анча демократлаштирилди. Масалан, Конституциянинг 128-моддаси олтинчи қисмида “Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди”. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда “фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида” сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мустаҳкамланди. Бу эса сайловларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шуни англатадики, Европа минтақасидаги 8 та мамлакатда (Бельгия, Чехия, Венгрия, Португалия, Словения, Мальта, Эстония, Лихтенштейн) фуқаро суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганидан кейин ҳам овоз бериш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шу билан бирга, Европанинг 14 та давлатида (Германия, Франция, Австрия, Дания, Буюк Британия, Финляндия, Ирландия, Италия, Швеция, Испания, Нидерландия, Словакия, Латвия, Хорватия ва бошқалар) муомалага лаёқатсиз шахслар ҳар қандай шароитда ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Умумий қилиб айтганда, сўнгги йилларда хорижий мамлакатлар қонунчилигида тенденция шундан иборатки, овоз бериш ҳуқуқини чекловларсиз таъминлаш ёки муомалага лаёқатсиз фуқароларни фақат суд қарори асосидагина сайлов ҳуқуқидан маҳрум этишга йўналиш кучаймоқда.

Бундан ташқари, Конституциянинг 120-моддасида “Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилади” деган конституциявий норма мустаҳкамланганлиги ҳам миллий сайлов қонунчилигида янгилик бўлди. Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонуннинг киритилиши эса юқоридаги конституциявий нормани янада мустаҳкамлади.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар изчил чоратadbирлар амалга оширилишига қарамасдан, амалиётда бир қанча муаммолар ҳали-ҳамон ўз ечимини топмаган.

Мавзу доирасида қуйидаги муаммо ва уларни бартараф қилишга оид таклифлар илгари сурилади:

Муаммо: мамлакатимизда, айниқса, сайловларни демократик руҳда ўтказишга оид муҳолифатнинг мавжуд эмаслиги, улар томонидан билдириладиган сайловга оид ўзининг ғоялари, таклифлари, дастурлари йўқлигини кўришимиз мумкин.

Таклиф: муҳолифатнинг ривожланган кўринишини Буюк Британия ва АҚШда кўриш мумкин. Муҳолифат бу мамлакатларда ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, унинг раҳбарлари расмий лавозимларга ҳам тайинланиши мумкин.

Сайлов қонунчилигимизда муҳолифатнинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг сиёсий маданиятини белгилаб берувчи муҳим хусусият ҳисобланади. Муҳолифат бўлишнинг асосий талаблари қуйидагилардир: ҳокимиятни бошқариш, ташкил этиш бўйича ўз дастурига, ўз фаолиятининг ғоявий, мафкуравий асосига эга бўлиш, амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида фаолият олиб бориш, ўз электорати (сайловчилар доираси)га эга бўлиш, улар манфаатини кўзлаб қонун доирасида курашиш, ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни ечиш учун алтернатив (муқобил) йўللарни таклиф этиб, унинг тўғрилигини амалда исботлашга ҳаракат қилади.

Муаммо: сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи номзод сифатида тавсия этиши, яъни мустақил номзодларнинг иштирок этиши мавжуд эмас.

Таклиф: сайловда мустақил номзодларнинг иштирок этиши, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи номзод сифатида тавсия этиши институтини қонунчиликка киритиш

демократик институт ҳисобланади. Бу фуқаролар фаоллигини оширади. Бу институтни Сайлов кодексига киритиш мақсадга мувофиқ. Ўз номзодини ўзи кўрсатиш институти фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқини таъминлашнинг кафолатларидан бири бўлиши мумкин.

Муаммо: бизнинг сайлов қонунчилигимизда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини рағбатлантириш тизими мавжуд эмас. Лекин кўпгина ривожланган демократик давлатларда сайлов комиссия аъзоларини рағбатлантириш тизими мавжуд. Бу эса Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари ўз фаолиятини сушт бажаришига, турли таъмагирлик ҳолатларини содир қилишига, сайловларни ўтказишни самадорлигига, принципларнинг бўзилишига олиб келмоқда.

Таклиф: сайлов кодексига округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини давлат томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмлари тўғрисидаги моддалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлиб, шу йўл орқали уларнинг иш самарадорлигини оширишга, уларнинг иш фаолиятида юз бериши мумкин бўлган таъмагирлик ҳолатларининг олдини олишга, сайловларни демократик руҳда амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.